I. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 5154 тани ташкил қилди.

2019 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 60,1 фоизи (2018 йил январь-декабрида 63,7 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2019 йил январь-декабрда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

-саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 4769,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 23,2 фоизи) ёки 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 129,9 фоизни ташкил қилди;

-20364,4 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 101,7 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,7 фоизи) ташкил қилди.

-6995,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 29,7 фоизи) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 3,2 мартани ташкил қилди;

4001,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 85,8 фоизи) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 113,9 фоизни ташкил қилди;

-автомобил транспорти юк айланмасининг 103,8 фоизга (умумий юк айланмасига нисбатан 85,1 улуши), йўловчи айланмасининг эса 102,8 фоизга (умумий йўловчи айланмасига нисбатан 95,9 улуши) кўпайиши таъминланди;

-чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 89,5 фоизи ёки 9410,4 млрд. сўм (ўсиш 109,9 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 69,4 улуши ёки 6066,2 млрд. сўмни ташкил қилди;

-138,8 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 38,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди.

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

2019 йил январь-декабрь ойларида (жамига нисбатан фоизда)

2019 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм	*Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида*
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	20364,4	99,7
Саноат	4769,7	99,7
Қурилиш	1365,1	29,3
Чакана савдо	9410,4	89,5
Юк ташиш, *млн. тн.*	37,9	-
Йўловчи ташиш, *млн. киши*	263,6	-
Экспорт, *млн. АҚШ долл.*	138,8	9,4
Импорт, *млн. АҚШ долл.*	1109,5	75,4

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:



Январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари

	Ўлчов бирлиги	*2018 йил*	*2019 йил*	*(+-)*
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони	***бирлик***	**16218**	**20304**	**4086**
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар	***бирлик***	**2365**	**5154**	**2789**
ЯҲМ	%	63,7	60,1	-3,6
Саноат	%	22,0	23,2	1,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	%	99,4	99,7	0,3
Инвестиция	%	12,6	29,7	17,1
Қурилиш	%	83,1	85,8	2,7
Савдо	%	85,3	89,5	4,2
Хизматлар	%	70,7	69,4	-1,3
Юк ташиш	%	87,2	85,3	-1,9
Юк айланмаси	%	80,7	85,1	4,4
Йўловчи ташиш	%	93,3	94,2	0,9
Йўловчи айланмаси	%	95,1	95,9	0,8
Экспорт	%	38,3	38,6	0,3
Импорт	%	24,6	88,7	64,1

2019 йилнинг январь-декабрида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорликнинг улуши тузилиши



Январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМ даги улуши, фоизда

2019 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 60,1 фоизни ташкил қилди (2018 йилнинг январь - декабрида 63,7 фоиз). ЯҲМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.

2019 йил январь-декабрь



Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши
(*умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда*)

Ҳудудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Қарши шаҳри (1699,5 млрд. сўм), Китоб тумани (373,7 млрд. сўм), Яккабоғ тумани (283,9 млрд. сўм) ва Шаҳрисабз тумани (277,5 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келади. Деҳқонобод тумани (66,3 млрд. сўм), Ғузор тумани (99,8 млрд. сўм) ва Муборак тумани (110,4 млрд. сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2019 йил январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорликнининг жами саноат маҳсулотидаги энг юқори улуши Китоб (100,0 фоиз), Қамаши (93,2 фоиз), Яккабоғ (79,7 фоиз), Шаҳрисабз (79,5 фоиз), Чироқчи (79,4 фоиз) ва Миришкор (78,7 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга Муборак (1,7 фоиз), Ғузор (2,2 фоиз), Нишон (11,2 фоиз), Деҳқонобод (12,2 фоиз) ва Қарши (28,8 фоиз) туманларида кичик тадбиркорликнинг улуши пастлиги кузатилди.

2019 йил январь-декабрь ҳолатига жами саноат маҳсулотидаги кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши, фоиз



Ҳудудлар бўйича кўпроқ қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми Чироқчи (2522,5 млрд. сўм), Косон (2021,8 млрд. сўм), Қарши (1855,6 млрд. сўм), Қамаши (1850,8 млрд. сўм) ва Касби (1600,8 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Шаҳрисабз (179,8 млрд. сўм) ва Қарши шаҳарларида (140,7 млрд. сўм) ва Деҳқонобод (877,9 млрд. сўм), Муборак (929,3 млрд. сўм) туманларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2019 йил январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Қарши шаҳри (2197,5 млрд. сўм), Косон (930,8 млрд. сўм), Чироқчи (849,1 млрд. сўм), Қамаши (659,3 млрд. сўм) ва Китоб (619,0 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Шаҳрисабз (283,3 млрд. сўм), Муборак (289,0 млрд. сўм) ва Ғузор (372,8 млрд. сўм) туманларида чакана товар айланмаси ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2019 йил январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Қарши шаҳри (2128,9 млрд.сўм), Косон (449,2 млрд. сўм), Шаҳрисабз (443,5 млрд.сўм), Китоб (382,1 млрд.сўм), Яккабоғ (347,5 млрд. сўм), Чироқчи (335,9 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2019 йил январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар ҳажми ва ўсиш суръати



2019 йил январь-декабрида кичик тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқлардаги ҳудудлар бўйича улуши, фоизда

	Саноат	*Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги*	*Инвестиция*	*Қурилиш*	*Чакана савдо*	*Хизматлар*
Қашқадарё вилояти	**23,2**	**99,7**	**29,7**	**85,8**	**89,5**	**69,4**
Қарши ш.	64,6	99,8	21,9	84,3	85,4	47,9
Шаҳрисабз ш.	54,0	98,9	64,4	63,8	92,6	54,7
туманлар:						
Ғузор	2,2	99,5	10,0	97,6	92,1	85,6
Деҳқонобод	12,2	99,7	13,6	100,0	91,3	99,8
Қамаши	93,2	99,6	79,6	99,3	92,6	97,6
Қарши	28,8	99,9	28,2	99,8	91,3	97,3
Косон	43,2	100,0	76,2	48,0	92,0	98,2
Китоб	100,0	99,6	85,1	99,4	91,8	96,2
Миришкор	78,7	99,8	79,1	100,0	89,9	85,4
Муборак	1,7	99,4	5,5	85,1	88,4	63,8
Нишон	11,2	99,7	28,8	100,0	91,0	94,9
Касби	59,0	99,6	94,1	95,8	91,3	98,1
Чироқчи	79,4	100,0	68,8	100,0	91,8	99,5
Шаҳрисабз	79,5	100,0	59,6	100,0	76,7	94,2
Яккабоғ	79,7	99,5	65,7	80,6	90,6	92,9

Ҳудудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Китоб (100,0 фоиз), Қамаши (93,2 фоиз), Яккабоғ (79,7 фоиз), Шаҳрисабз (79,5 фоиз), Чироқчи (79,4 фоиз) ва Миришкор (78,7 фоиз) туманларида кузатилди.

Инвестицияда энг юқори улушларни Касби (94,1 фоиз), Китоб (85,1 фоиз), Қамаши (79,6 фоиз), Миришкор (79,1 фоиз), Косон (76,2 фоиз) ва Чироқчи (68,8 фоиз) туманларида кузатилди.

Қурилиш соҳасида Деҳқонобод, Миришкор, Нишон, Чироқчи, Шаҳрисабз туманларида мос равишда (100,0 фоиз), Қарши (99,8 фоиз), Китоб (99,4 фоиз) туманларида кузатилди.

Чакана савдода Шаҳрисабз шаҳри ва Қамаши туманида мос равишда (92,6 фоиз), Ғузор (92,1 фоиз), Косон (92,0 фоиз), Китоб ва Чироқчи мос равишда (91,8 фоиз) ва Касби (91,3 фоиз) туманларида кузатилди.

Хизматлар соҳасида Деҳқонобод (99,8 фоиз), Чироқчи (99,5 фоиз) ва Косон (98,2 фоиз) туманларини ташкил этади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2019 йил 4-чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 71 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 63,8 фоиз иқтисодий вазиятни – қулай ва 31,9 фоиз эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида – 65,3 фоиз ва 31,0 фоиз, хизматлар соҳасида – 62,6 фоиз ва 32,4 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 49,4 фоиз ва 38,8 фоиз, саноатда – 69,9 фоиз ва 26,5 фоизни ташкил қилганини кўрсатди.

Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда – 3,5 фоиз, қурилишда – 4,3 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 11,8 фоиз, хизматларда – 5,0 фоиз ва савдода – 3,7 фоизни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни баҳолаш
2019 йил IV-чорак учун, фоизда



Иқтисодий вазият яқин уч ойда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида яхшиланиш 72,9 фоиз, ўзгаришсиз 24,7 фоиз, саноат корхоналари яхшиланиши 88,5 фоиз, ўзгаришсиз 9,7 фоизи, савдо – яхшиланиш 87,1 фоиз, ўзгаришсиз 10,0 фоиз, хизматларда яхшиланиш 84,5 фоиз, ўзгаришсиз 13,9 фоиз ва қурилиш тармоғида яхшиланиш 88,7 фоиз, ўзгаришсиз 9,9 фоиз, ёмонлашиши 1,4 фоиз кутилмоқда.

Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши, фоизда



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.